

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**305 Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати фаолиятини ташкил этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати фаолиятини бошқариш ва ташкил этиш тузилмасини янада такомиллаштириш, ногиронларни сифатли тиббий текширишдан ўтказиш ҳамда самарали тиббий-ижтимоий ва касб бўйича реабилитация қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек тиббий-меҳнат эксперт комиссияларини юқори малакали, ҳалол ишловчи тиббиёт кадрлари билан мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1252-сон қарорига мувофиқ Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва тиббий-меҳнат экспертиза хизмати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тузилмасига берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ҳаёт фаолияти чекланганлигини экспертизадан ўтказиш, ногиронлик гуруҳини, сабаблари, бошланган вақти ва муддатларини аниқлаш бўйича тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (кейинги ўринларда ТМЭК деб юритилади) фаолиятига раҳбарлик қилиш;

экспертизалар натижаларини, даволаш-профилактика муассасалари томонидан тақдим этилган тиббий ҳужжатларни ва фуқароларни тиббий текширишдан ўтказиш натижаларини доимий ўрганиш асосида ногиронликнинг ҳолатини, унинг ўзгаришини ва унга сабаб бўлган омилларни тизимли таҳлил қилиш;

ногиронлик профилактикаси соҳасида комплекс дастурларни ишлаб чиқишда, ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича реабилитация қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишда қатнашиш;

ТМЭК врач-экспертлари лавозимига танлаш ва тавсия қилиш бўйича Малака комиссияси фаолиятини ташкил этиш, ТМЭК мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларида идоравий мансуб ТМЭКга методик ёрдам кўрсатиш.

Белгилансинки, давлат бошқаруви органлари ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ходимларига жорий этилади.

3. Қуйидагилар:

бош, ихтисослаштирилган, туманлараро ва туман (шаҳар) тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тиббий-меҳнат экспертиза хизматининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош тиббий-меҳнат эксперт комиссияларининг намунавий тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

ихтисослаштирилган, туманлараро ва туман (шаҳар) тиббий-меҳнат эксперт комиссияларининг намунавий тузилмаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

#### 4. Белгилансинки:

Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи билан лавозимга тайинланади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари раислари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро этувчи директори тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг қарори билан тайинланади;

ТМЭК муассасалари тақдим этилган тиббий ҳужжатларда ва тиббий-маслаҳат комиссияларининг дастлабки ташхисларига шубҳа қилинган тақдирда фуқароларни бепул такрорий текширишлар ўтказиш учун зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган шаҳар ва туман шифохоналарига бириктирилади;

ихтисослаштирилган, туманлараро, туман ва шаҳар тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари тиббий текширишдан ўтказиш натижалари бўйича фақат коллегиял асосда қарорлар қабул қилади;

бош ТМЭК даражасида ихтисослаштирилган, туманлараро ва туманлар (шаҳарлар) тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари қарорлари юзасидан шикоят қилиш ҳолатлари, шунингдек тиббиёт ходимларига, тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ходимларига ва уларнинг яқин қариндошларига мансуб ходимларни ногирон деб эътироф этиш ҳолатлари кўриб чиқилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ТМЭК бўлинмаларини белгиланган талабларга жавоб берадиган, фуқароларнинг бориши учун қулай бўлган бинолар ва хоналарда жойлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ҳар томонлама ёрдам берсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси тузилмасида 3 нафар ходимдан иборат бўлган ТМЭК хизмати фаолиятини назорат қилиш бўлими ташкил этилсин, тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сони кўпайтирилсин.

Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари хизмати фаолиятини назорат қилиш бўлимига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассисларини жалб этган ҳолда тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятини доимий назорат қилиб бориш, ўтказилган текширишларнинг тўғрилиги ва асосланганлигини, шу жумладан даволаш-профилактика муассасаларидан тақдим этилган бошланғич тиббий ҳужжатларнинг тўғрилиги ва ишончилигини ўрганиш йўли билан текширишларни амалга ошириш вазифалари юклансин.

6. Маълумот учун қабул қилинсинки, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ:

тиббий-меҳнат эксперт комиссияларининг нотўғри хулоса чиқарганлиги учун асос бўлган тиббий ҳужжатларда қасддан сохта маълумотлар кўрсатган шахслар, шунингдек сохта хулосалар берган ёки ногиронлик гуруҳини қасддан нотўғри белгиланган врачлар ва экспертлар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар;

ҳужжатларни сохталаштириш ва ногиронлик тўғрисида асосланмаган хулосалар беришга йўналтирилган бошқа хатти-ҳаракатлар натижасида тўланган пенсия ва нафақалар суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда айбдор шахслар ҳисобидан тўлиқ миқдорда ундириб олинади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кўрсатиб ўтилган коида бузилишларида айбдор бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига белгиланган тартибда юборилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказига бажарилаётган вазифаларга қўшимча равишда қуйидагилар юклансин:

ногиронликнинг ҳолати ва сабабларини тизимли асосда чуқур таҳлил қилиш, ногиронликнинг олдини олиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини ташкил қилиш;

реабилитация марказлари ва даволаш-профилактика муассасалари билан биргаликда ногиронларни тиббий-ижтимоий ҳамда касб бўйича реабилитация қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ногиронларга фаол ҳаётий фаолият, ўқиш ва меҳнат фаолияти имкониётларини олишда кўмаклашиш.

8. Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда:

Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ҳузурида бир ҳафта муддатда Малака комиссияси ташкил этсин, унга тиббий-меҳнат эксперт комиссияларининг врач-экспертлар лавозимига танлаш ва тавсия этишни амалга ошириш, шунингдек ҳар уч йилда камида бир марта тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари врачларини эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги юзасидан мунтазам равишда аттестациядан ўтказиш функцияларини юклансин;

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва Ўзбекистон Респуб-

ликаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиёт олий ўқув муассасалари негизида махсус касб-хунар таълими дастурларини жорий этиш йўли билан барча даражалардаги тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари врачлари малакасининг оширилишини ҳар беш йилда камида бир марта мажбурий, мунтазам равишда таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Республика тиббий-меҳнат эксперт комиссияси буюртманомаларига биноан, 2011 йилдан бошлаб, Давлат бюджети параметрларида ушбу қарордан келиб чиқадиган тадбирларни амалга оширишга ва тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари хизматининг моддий-техника базасини, шу жумладан тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари тузилмасини мақбуллаштириш натижасида бўшайдиган маблағлар ҳисобига мустаҳкамлашга маблағларни назарда тутсин. Бунда туманлараро (зарурат бўлганда қишлоқ туманлари) тиббий-меҳнат эксперт комиссияларини жойларга бориб текширишлар ўтказиш учун транспорт воситалари билан таъминлаш назарда тутилсин;

икки ҳафта муддатда тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари муассасалари томонидан дастлабки ташхис ўтказиш учун зарур бўлган тиббий ва ёрдамчи асбоб-ускуналарнинг намунавий рўйхатини, шунингдек тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари муассасаларини кўрсатиб ўтилган асбоб-ускуналар билан намунавий рўйхатга мувофиқ жиҳозлаш жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарори 1-бандининг бешинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 8-сон, 44-модда) ҳамда ушбу қарорга 4 ва 5-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 2 сентябрь,  
193-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2010 йил 2 сентябрдаги 193-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Бош, ихтисослаштирилган, туманлараро ва туман  
(шаҳар) тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари номи	Хизмат кўрсатиш ҳудуди	Тиббий-меҳнат эксперт комис- сияларини даволаш-профилактика муассасаларига бириктириш
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>			
1.	Бош ТМЭК	Қорақалпоғистон Республикаси	Қорақалпоғистон Республикаси кўп тар- моқли тиббиёт маркази ва минтақавий реабилитация маркази
2.	Амударё тумани ТМЭК	Амударё тумани	Амударё тумани тиббиёт бирлашмаси (кейинги ўринларда ТТБ деб аталади)
3.	Кегайли туманлараро ТМЭК	Кегайли, Нукус ва Қораўзак туманлари	Кегайли, Нукус ва Қораўзак ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
4.	Қўнғирот туманлараро ТМЭК	Қўнғирот, Қонликўл ва Мўйноқ туманлари	Қўнғирот, Қонликўл ва Мўйноқ ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
5.	Нукус шаҳар ТМЭК	Нукус шаҳри	Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмаси (кейин- ги ўринларда ШТБ деб аталади)
6.	Хўжайли туманлараро ТМЭК	Хўжайли ва Шуманай туманлари, Тахиатош шаҳри	Хўжайли ва Шуманай ТТБ, Тахиатош ШТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
7.	Чимбой туманлараро ТМЭК	Чимбой ва Тахтакўпир туманлари	Чимбой ва Тахтакўпир ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
8.	Элликқалъа туманлараро ТМЭК	Элликқалъа, Тўрткўл ва Беруний туманлари	Элликқалъа, Тўрткўл ва Беруний ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
9.	Фтизиатрия ТМЭК	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти сил касалликлари диспансерлари (тегишли ҳудудлар бўйича)
<b>Андижон вилояти</b>			
10.	Бош ТМЭК	Андижон вилояти	Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Андижон вилоят ногиронларни реабилитация қилиш маркази
11.	Андижон шаҳар ТМЭК	Андижон шаҳри	Андижон ШТБ
12.	Андижон туманлараро ТМЭК	Андижон ва Олтинкўл туманлари	Андижон ва Олтинкўл ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
13.	Асака туманлараро ТМЭК	Асака шаҳри, Асака, Марҳамат ва Булоқбоши туманлари	Асака ШТБ, Асака, Марҳамат ва Булоқбоши ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
14.	Избоскан туманлараро ТМЭК	Избоскан ва Пахтаобод туманлари	Избоскан ва Пахтаобод ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
15.	Қўрғонтепа туманлараро ТМЭК	Қўрғонтепа, Жалолқудуқ ва Хўжаобод туманлари, Қорасув ва Хонобод шаҳарлари	Қўрғонтепа, Жалолқудуқ ва Хўжаобод ТТБ, Қорасув ва Хонобод ШТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
16.	Шаҳрихон туманлараро ТМЭК	Шаҳрихон, Бўз, Балиқчи ва Улугнор туманлари	Шаҳрихон, Бўз, Балиқчи ва Улугнор ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
17.	Психиатрия ТМЭК	Андижон вилояти	Андижон вилоят психоневрология диспансери
18.	Фтизиатрия ТМЭК	Андижон вилояти	Андижон вилоят сил касалликлари диспансери
<b>Бухоро вилояти</b>			
19.	Бош ТМЭК	Бухоро вилояти	Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Навоий вилоят ногиронларни реабилитация қилиш маркази

Т/р	Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари номи	Хизмат кўрсатиш ҳудуди	Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларини даволаш-профилактика муассасаларига бириктириш
20.	Бухоро туманлараро ТМЭК	Бухоро ва Жондор туманлари	Бухоро ва Жондор ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
21.	Бухоро туманлараро ТМЭК	Бухоро ва Когон шаҳарлари, Когон ва Қоровулбозор туманлари	Бухоро ва Когон ШТБ, Когон ва Қоровулбозор ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
22.	Қорақўл туманлараро ТМЭК	Қорақўл ва Олот туманлари	Қорақўл ва Олот ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
23.	Ромитан туманлараро ТМЭК	Ромитан ва Пешку туманлари	Ромитан ва Пешку ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
24.	Шофиркон туманлараро ТМЭК	Шофиркон, Вобкент ва Ғиждувон туманлари	Шофиркон, Вобкент ва Ғиждувон ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
25.	Психиатрия ТМЭК	Бухоро вилояти	Бухоро вилоят психиатрия шифохонаси
26.	Фтизиатрия ТМЭК	Бухоро ва Навоий вилоятлари	Бухоро ва Навоий вилоятлари сил касалликлари диспансерлари (тегишли ҳудудлар бўйича)
<b>Жиззах вилояти</b>			
27.	Бош ТМЭК	Жиззах вилояти	Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Жиззах вилоят ногиронларни реабилитация қилиш маркази
28.	Ғаллаорол туманлараро ТМЭК	Ғаллаорол, Фориш ва Бахмал туманлари	Ғаллаорол, Фориш ва Бахмал ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
29.	Жиззах туманлараро ТМЭК	Жиззах шаҳри ва Жиззах тумани	Жиззах ШТБ ва Жиззах ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
30.	Дўстлик туманлараро ТМЭК	Дўстлик, Мирзачўл, Зафаробод, Пахтакор ва Арнасой туманлари	Дўстлик, Мирзачўл, Зафаробод, Пахтакор ва Арнасой ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
31.	Зомин туманлараро ТМЭК	Зомин, Зарбдор ва Янгиобод туманлари	Зомин, Зарбдор ва Янгиобод ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
<b>Қашқадарё вилояти</b>			
32.	Бош ТМЭК	Қашқадарё вилояти	Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Қашқадарё вилоят ногиронларни реабилитация қилиш маркази
33.	Деҳқонобод туманлараро ТМЭК	Деҳқонобод, Қамаш ва Ғузур туманлари	Деҳқонобод, Қамаш ва Ғузур ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
34.	Қарши туманлараро ТМЭК	Қарши шаҳри, Косон ва Нишон туманлари	Қарши ШТБ, Косон ва Нишон ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
35.	Қарши туманлараро ТМЭК	Қарши, Миришкор, Муборак ва Касби туманлари	Қарши, Миришкор, Муборак ва Касби ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
36.	Китоб туманлараро ТМЭК	Китоб ва Шаҳрисабз туманлари	Китоб ва Шаҳрисабз ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
37.	Чироқчи туманлараро ТМЭК	Чироқчи ва Яккабоғ туманлари	Чироқчи ва Яккабоғ ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
38.	Фтизиатрия ТМЭК	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари сил касалликлари диспансерлари (тегишли ҳудудлар бўйича)
39.	Психиатрия ТМЭК	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари психоневрология диспансерлари (тегишли ҳудудлар бўйича)
<b>Навоий вилояти</b>			
40.	Бош ТМЭК	Навоий вилояти	Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Навоий вилоят ногиронларни реабилитация қилиш маркази
41.	Зарафшон туманлараро ТМЭК	Томди ва Учқудуқ туманлари, Зарафшон шаҳри	Томди ва Учқудуқ ТТБ, Зарафшон ШТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
42.	Қизилтепа туманлараро ТМЭК	Қизилтепа ва Конимех туманлари	Қизилтепа ва Конимех ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)

Т/р	Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари номи	Хизмат кўрсатиш худуди	Тиббий-меҳнат эксперт комис- сияларини даволаш-профилактика муассасаларига бириктириш
43.	Навбаҳор туманлараро ТМЭК	Навбаҳор ва Нурота туманлари	Навбаҳор ва Нурота ТТБ (тегишли худуд- лар бўйича)
44.	Навоий туманлараро ТМЭК	Навоий шаҳри ва Кармана тумани	Навоий ШТБ ва Кармана ТТБ (тегишли худудлар бўйича)
45.	Хатирчи туман ТМЭК	Хатирчи тумани	Хатирчи ТТБ
46.	Психиатрия ТМЭК	Навоий вилояти	Навоий вилоят психоневрология диспан- сери
<b>Наманган вилояти</b>			
47.	Бош ТМЭК	Наманган вилояти	Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Наманган вилоят ногиронларни реабилитация қилиш маркази
48.	Наманган туманлараро ТМЭК	Наманган шаҳри, Наманган тумани	Наманган ШТБ ва Наманган ТТБ (тегишли худудлар бўйича)
49.	Поп туманлараро ТМЭК	Поп ва Чуст туманлари	Поп ва Чуст ТТБ (тегишли худудлар бўйича)
50.	Тўрақўргон туманлараро ТМЭК	Тўрақўргон ва Мингбулоқ туманлари	Тўрақўргон ва Мингбулоқ ТТБ (тегишли худудлар бўйича)
51.	Учқўргон туманлараро ТМЭК	Учқўргон ва Норин туманлари	Учқўргон ва Норин ТТБ (тегишли худудлар бўйича)
52.	Чортоқ туманлараро ТМЭК	Чортоқ ва Уйчи туманлари	Чортоқ ва Уйчи ТТБ (тегишли худудлар бўйича)
53.	Янгиқўргон туманлараро ТМЭК	Янгиқўргон ва Косонсой туманлари	Янгиқўргон ва Косонсой ТТБ (тегишли худудлар бўйича)
<b>Самарқанд вилояти</b>			
54.	Бош ТМЭК	Самарқанд вилояти	Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Самарқанд вилоят ногирон- ларни реабилитация қилиш маркази
55.	Оқдарё туманлараро ТМЭК	Оқдарё ва Иштихон туманлари	Оқдарё ва Иштихон ТТБ (тегишли худудлар бўйича)
56.	Булунгур туманлараро ТМЭК	Булунгур ва Жомбой туманлари	Булунгур ва Жомбой ТТБ (тегишли худудлар бўйича)
57.	Нарпай туманлараро ТМЭК	Нарпай, Каттақўргон ва Пахтачи туманлари	Нарпай, Каттақўргон ва Пахтачи ТТБ (тегишли худудлар бўйича)
58.	Пайариқ туманлараро ТМЭК	Пайариқ ва Қўшрабат туманлари	Пайариқ ва Қўшрабат ТТБ (тегишли худудлар бўйича)
59.	Пастдаргом туманлараро ТМЭК	Пастдаргом ва Нуробод туманлари, Каттақўргон шаҳри	Пастдаргом ва Нуробод ТТБ, Каттақўргон ШТБ (тегишли худудлар бўйича)
60.	Самарқанд туманлараро ТМЭК	Самарқанд шаҳри ва Самарқанд тумани	Самарқанд ШТБ ва Самарқанд ТТБ (тегишли худудлар бўйича)
61.	Ургут туманлараро ТМЭК	Ургут ва Тайлоқ туманлари	Ургут ва Тайлоқ ТТБ (тегишли худудлар бўйича)
62.	Психиатрия ТМЭК	Самарқанд вилояти	Самарқанд вилоят психоневрология диспансери
63.	Фтизиатрия ТМЭК	Самарқанд вилояти	Самарқанд вилоят сил касалликлари диспансери
<b>Сурхондарё вилояти</b>			
64.	Бош ТМЭК	Сурхондарё вилояти	Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Қашқадарё вилоят ногирон- ларни реабилитация қилиш маркази
65.	Ангор туманлараро ТМЭК	Ангор, Музработ ва Шеробод туманлари	Ангор, Музработ ва Шеробод ТТБ (тегишли худудлар бўйича)
66.	Денов туманлараро ТМЭК	Денов, Шўрчи ва Олтинсой туманлари	Денов, Шўрчи ва Олтинсой ТТБ (тегишли худудлар бўйича)
67.	Қизирик туманлараро ТМЭК	Қизирик, Бандихон ва Бойсун туманлари	Қизирик, Бандихон ва Бойсун ТТБ (тегишли худудлар бўйича)
68.	Кумқўргон туманлараро ТМЭК	Кумқўргон ва Жарқўргон туманлари	Кумқўргон ва Жарқўргон ТТБ (тегишли худудлар бўйича)

Т/р	Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари номи	Хизмат кўрсатиш ҳудуди	Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларини даволаш-профилактика муассасаларига бириктириш
69.	Сариосиё туманлараро ТМЭК	Сариосиё ва Узун туманлари	Сариосиё ва Узун ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
70.	Термиз туманлараро ТМЭК	Термиз шаҳри ва Термиз тумани	Термиз ШТБ ва Термиз ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
<b>Сирдарё вилояти</b>			
71.	Бош ТМЭК	Сирдарё вилояти	Сирдарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Жиззах вилоят ногиронларни реабилитация қилиш маркази
72.	Гулистон туманлараро ТМЭК	Гулистон шаҳри, Гулистон, Сайхунобод ва Сирдарё туманлари	Гулистон ШТБ, Гулистон, Сайхунобод ва Сирдарё ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
73.	Мирзаобод туманлараро ТМЭК	Мирзаобод, Оқолтин ва Сардоба туманлари	Мирзаобод, Оқолтин ва Сардоба ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
74.	Янгиер туманлараро ТМЭК	Янгиер ва Ширин шаҳарлари, Ховос ва Боёвут туманлари	Янгиер ва Ширин ШТБ, Ховос ва Боёвут ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
<b>Тошкент вилояти</b>			
75.	Бош ТМЭК	Тошкент вилояти	Тошкент вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Тошкент вилоят ногиронларни реабилитация қилиш маркази
76.	Оққўрғон туманлараро ТМЭК	Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ ва Чиноз туманлари	Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ ва Чиноз ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
77.	Олмалиқ туманлараро ТМЭК	Олмалиқ шаҳри, Бўка, Пискент ва Ўрта Чирчиқ туманлари	Олмалиқ ШТБ, Бўка, Пискент ва Ўрта Чирчиқ ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
78.	Ангрен туманлараро ТМЭК	Ангрен ва Оҳангарон шаҳарлари, Оҳангарон тумани	Ангрен ва Оҳангарон ШТБ, Оҳангарон ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
79.	Бекобод туманлараро ТМЭК	Бекобод шаҳри ва Бекобод тумани	Бекобод ШТБ ва Бекобод ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
80.	Чирчиқ туманлараро ТМЭК	Чирчиқ шаҳри, Бўстонлиқ ва Қибрай туманлари	Чирчиқ ШТБ, Бўстонлиқ ва Қибрай ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
81.	Юқори Чирчиқ туманлараро ТМЭК	Юқори Чирчиқ ва Паркент туманлари	Юқори Чирчиқ ва Паркент ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
82.	Янгийўл туманлараро ТМЭК	Янгийўл шаҳри ва Янгийўл тумани	Янгийўл ШТБ ва Янгийўл ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
83.	Зангиота туман ТМЭК	Зангиота тумани	Зангиота ТТБ
84.	Психиатрия ТМЭК	Тошкент вилояти	Тошкент вилоят психоневрология диспансери
<b>Фарғона вилояти</b>			
85.	Бош ТМЭК	Фарғона вилояти	Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Фарғона вилоят ногиронларни реабилитация қилиш маркази
86.	Бағдод туманлараро ТМЭК	Бағдод, Бувайда ва Учқўприк туманлари	Бағдод, Бувайда ва Учқўприк ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
87.	Кўқон туманлараро ТМЭК	Кўқон шаҳри ва Данғара тумани	Кўқон ШТБ ва Данғара ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
88.	Кува туманлараро ТМЭК	Кува ва Тошлоқ туманлари, Кувасой шаҳри	Кува ва Тошлоқ ТТБ, Кувасой ШТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
89.	Марғилон туманлараро ТМЭК	Марғилон шаҳри, Қўштепа ва Ёзёвон туманлари	Марғилон ШТБ, Қўштепа ва Ёзёвон ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
90.	Риштон туманлараро ТМЭК	Риштон, Олтиариқ ва Сўх туманлари	Риштон, Олтиариқ ва Сўх ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)
91.	Ўзбекистон туманлараро ТМЭК	Ўзбекистон, Бешариқ ва Фурқат туманлари	Ўзбекистон, Бешариқ ва Фурқат ТТБ (тегишли ҳудудлар бўйича)




Т/р	Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари номи	Хизмат кўрсатиш худуди	Тиббий-меҳнат эксперт комис- сияларини даволаш-профилактика муассасаларига бириктириш
92.	Фарғона туманлараро ТМЭК	Фарғона шаҳри ва Фарғона тумани	Фарғона ШТБ ва Фарғона ТТБ (тегишли худудлар бўйича)
93.	Психиатрия ТМЭК	Фарғона вилояти	Фарғона вилоят психоневрология диспан- сери
94.	Фтизиатрия ТМЭК	Фарғона вилояти	Фарғона вилоят сил касалликлари диспан- сери
<b>Хоразм вилояти</b>			
95.	Бош ТМЭК	Хоразм вилояти	Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Хоразм вилоят ногиронларни реабилитация қилиш маркази
96.	Урганч туманлараро ТМЭК	Урганч шаҳри ва Урганч тумани	Урганч ШТБ ва Урганч ТТБ (тегишли худудлар бўйича)
97.	Ҳазорасп туманлараро ТМЭК	Ҳазорасп ва Богот туманлари, Питнак шаҳри	Ҳазорасп ва Богот ТТБ, Питнак ШТБ (тегишли худудлар бўйича)
98.	Хива туманлараро ТМЭК	Хива, Қўшқўпир, Янгиариқ ва Хонқа туманлари	Хива, Қўшқўпир, Янгиариқ ва Хонқа ТТБ (тегишли худудлар бўйича)
99.	Шовот туманлараро ТМЭК	Шовот, Гурлан ва Янгибозор туманлари	Шовот, Гурлан ва Янгибозор ТТБ (тегиш- ли худудлар бўйича)
<b>Тошкент шаҳри</b>			
100.	Бош ТМЭК	Тошкент шаҳри	Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази
101.	Мирзо Улугбек туманлараро ТМЭК	Мирзо Улугбек ва Ҳамза туманлари	Мирзо Улугбек ва Ҳамза ТТБ (тегишли худудлар бўйича)
102.	Собир Раҳимов туман ТМЭК	Собир Раҳимов тумани	Собир Раҳимов ТТБ
103.	Сирғали туманлараро ТМЭК	Сирғали, Миробод ва Бектемир туманлари	Сирғали, Миробод ва Бектемир ТТБ (тегишли худудлар бўйича)
104.	Учтепа туманлараро ТМЭК	Учтепа ва Чиланзор туманлари	Учтепа ва Чиланзор ТТБ (тегишли худудлар бўйича)
105.	Шайхонтохур туманлараро ТМЭК	Шайхонтохур ва Яккасарой туманлари	Шайхонтохур ва Яккасарой ТТБ (тегишли худудлар бўйича)
106.	Юнусобод туман ТМЭК	Юнусобод тумани	Юнусобод ТТБ
107.	Психиатрия ТМЭК	Тошкент шаҳри	Биринчи Тошкент шаҳар психоневрология диспансери
108.	Фтизиатрия ТМЭК	Тошкент шаҳри	Биринчи Тошкент шаҳар сил касалликлари диспансери

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда ТМЭКларининг умумий сони доирасида ушбу рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир.


Вазирлар Маҳкамасининг  
2010 йил 2 сентябрдаги 193-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги  
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тиббий-меҳнат  
экспертиза хизмати  
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2010 йил 2 сентябрдаги 193-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги  
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Республика  
тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси  
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 15 киши,  
шу жумладан бошқарув ходимлари — 6 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2010 йил 2 сентябрдаги 193-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва  
Тошкент шаҳар бош тиббий-меҳнат  
эксперт комиссияларининг  
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Изоҳлар:

1. Ходимларнинг чекланган умумий сони:

Тошкент, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри бўйича — 15 киши, улардан врач-экспертлар — 5 киши;

Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари бўйича — 14 киши, улардан врач-экспертлар — 4 киши;


Сирдарё, Жиззах, Хоразм ва Навоий вилоятлари бўйича — 13 киши, улардан врач-экспертлар — 3 киши.

2. Врач-экспертлардан бири бош тиббий-меҳнат эксперт комиссияси раисининг ўринбосари этиб тайинланади.

3. Алоҳида бино мавжуд бўлган тақдирда қўшимча равишда қоровул лавозими жорий этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2010 йил 2 сентябрдаги 193-сон қарорига  
5-ИЛОВА

**Ихтисослаштирилган, туманлараро ва туман (шаҳар)  
тиббий-меҳнат эксперт комиссияларининг  
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 6 киши.

Изоҳ: транспорт воситаси мавжуд бўлган тақдирда ҳайдовчи лавозими, алоҳида бино мавжуд бўлган тақдирда — қоровул лавозими жорий этилади.